

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Алишер Навоий номидаги
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Жисмоний маданият факультети

**Жисмоний тарбия ва спорт турларини ўқитиш услубияти
кафедраси**

Р.А.Қосимова

**“БАРКАМОЛ АВЛОД”
СПОРТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЙЎЛЛАРИ
(Ўқув қўлланма)**

Самарқанд-2005

Тузувчи: *Косимова Раъно Ахмедовна, А.Навоий*
номидаги Самарканд Давлат университети
Жисмоний тарбия ва спорт турларини уқитиш
услугияти кафедраси доценти.

Академик лицейлар касб-ҳунар коллежларининг жисмоний тарбия ва спорт ишларини давр талаблари асосида ташкил қилиш бу ўқув қўлланмада ўз ифодасини топган. ўқув юр்தларининг фаолиятларини юритишда, айниқса “Баркамол авлод” спорт ўйинларини ўтказишда спорт клубларни ташкил қилишининг йўллари ва уларнинг амалий моҳиятлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган. Бу қўлланма кенг оммага мулжалланган.

Масъул муҳаррир: доц. *Р.А.Абдумаликов*

Муҳаррир: ф.ф.н. *Г.Раҳимова*

Такризчилар: проф. *Э.Ш.Эшназаров*
доц. *С.Утаназаров*
доц. *Ю.А.Ахроров*

КИРИШ

Халқаро спорт ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) муҳитида айниқса бошланғич жисмоний маданият жамоаларида жисмоний маданият ҳаракатини ташкил қилиш ҳамда уларнинг фаолиятларини мақсадли олиб боришда спорт клублари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва истиқболи йўлидаги барча ислохотлар, негизидаги ташкилий, маданий, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, спорт ва бошқа шу каби муҳим тадбирлар бугунги куннинг асосий вазифаларига айланмоқда. Чунки, Республика Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданоқ буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш мақсадига катта аҳамият бериб келинмоқда”. (И.Каримовнинг 1997й. 28 августда Олий мажлисда сўзлаган нутқидан).

“Таълим тўғрисида”ги қонун (1997), “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” (1997), “Умумтаълим давлат стандартлари”, “Соғлом авлод” Давлат дастури, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонун (2000) ҳамда улар билан бевосита боғлиқ бўлган қарорлар, фармонлар ва низомларда ўқувчи ёшларни маънавий ва жисмоний баркамоллигини тарбиялаш касб-ҳунарни эгаллашда замонавий билимлар бериш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган.

Республика Президентининг фармонлари ва ҳукуматнинг махсус қарорлари асосида (2000) барча ўрта махсус ўқув юртлари касб-ҳунар коллежларига айлантирилмоқда. Бугунги кунда 828дан ортиқ академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида 576666 нафар ёшлар таълим

олмоқда (2003й). Бундай муҳим ва кенг қамровли ислоҳотлар ўқувчи ёшларнинг аниқ ихтисос бўйича таълим олишлари, касб-хунар эгаллашларини таъминлашга қаратилган. Уларнинг негизида ёшларни жисмоний баркамолликка эриштириш муҳим вазифа қилиб қўйилмоқда. Шу сабабдан Давлат таълим стандартлари асосида “жисмоний тарбия” дарсларининг ҳажми ва мазмунида ўзгаришлар, янги йўналишлар вужудга келмоқда. “Соғлом авлод” Давлат дастури, “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестлари ўқувчи ёшларни оммавий соғломлаштириш жисмоний тарбия, спорт, халқ миллий ўйинлари ва саёҳатлар билан мунтазам шуғулланишларига даъват этмоқда. Бу йўлда янги спорт иншоотларининг қурилиши, ўйингоҳнинг кўпайиши, турли хил спорт мусобақалари, айниқса “Баркамол авлод” спорт ўйинлари (2001) дастури асосида ўтказилаётган мусобақалар янгидан-янги вазифаларни қўймоқда. Бундай муҳим ва кенг қамровли спорт тадбирларини ўтказиш билан боғлиқ масалаларда баъзи камчилик ва муоммолар ҳам йўқ эмас.

Академик лицейлар, коллежларда зарур спорт турлари бўйича тўғараклар (секция), командалар ташкил қилиш, мусобақалар ўтказиш, махсус тестларнинг синов-меъёр талабларини топширишга тайёргарлик кўриш, халқ миллий ўйинлари ва саёҳатлар бўйича оммавий-маданий тадбирлар ташкил қилиш ва улар билан боғлиқ фаолиятларни бошқаришда фақат жисмоний тарбия ўқитувчиларининг имкониятлари етарлик эмаслиги сезилмоқда. Шунингдек, спорт мусобақаларини ташкил қилиш, командаларни “Баркамол авлод” спорт мусобақаларига тайёрлаш ва иштирокини таъминлаш билан боғлиқ ташкилий хўжалик ва молиявий ишлар муаммога айланмоқда. Шу сабабдан академик лицейлар, коллежлар, жисмоний тарбия ва спорт ишлари билан боғлиқ масалаларни бошқаришда махсус бошланғич ташкилот, яъни “Баркамол авлод” спорт клубини тузиш давр талабидир. Бу каби муаммоларнинг ечимини топиш ва ҳал қилишда ушбу ўқув-услубий қўлланма ёрдам бериши мумкин. Шу билан бирга

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги талабалар ва ўқувчи-ёшларнинг ихтисосликни эгаллашдаги фаолиятлари, касб-ҳунар коллежларининг жисмоний тарбия ўқитувчилари, жамоатчи фаоллар ва барча ёшларга ҳам хизмат қилишга ишонч билдириш мумкин.

I БОБ. АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР, КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ВА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ ТАЛАБАЛАРИНИ ОММАВИЙ СПОРТ ТАДБИРЛАРИГА ЖАЛБ ЭТИШ

1.1. Баркамол авлодни тарбиялашда жисмоний тарбия ва спортнинг роли

Инсон танаси аъзоларини фаол ҳаракатга келтириш билан уларнинг иш қобилиятини ошириш ва ҳар қандай жисмоний меҳнатни бажаришга тайёрлашда, айниқса инсон танасини чиниқтиришда жисмоний тарбия машқларининг ижобий таъсир ўтказишини барча кишилар яхши билишган. Чунки, бу илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ўз исботини топган.

Жисмоний машқлар, айниқса спорт машқлари ҳаракат манбаи ва кучи сифатида нафас олишни чуқурлаштириши, мушаклар фаолиятини қўзғатиши, оқибатда эса қон айланиш тизимини кучайтиришни махсус фанларда баён этилган.

Жисмоний машқларни кўп такрорлаш, уларнинг шакл ва мазмунларини кўпайтириш, бажариш миқдори ҳамда ҳажминини ошириш, меъёрларни аниқ белгилаш натижасида инсон танаси мукаммаллашади, яъни мушаклар ҳаракати кучаяди, суяклар мустаҳкамлашади, юрак уриши, нафас олиши, кўриши (чамалаш) тизимлари мураккаб ҳаракат фаолиятларга мослашади. Энг муҳими барча ҳаракатлар овқатни ҳазм қилишга ва ички аъзоларга ижобий таъсир этади. Буларнинг жамиси эса соғлиқни яхшилаш ва жисмонан чиниқишни таъминлайди. Бундай ҳаракат инсонлар учун муҳим ва зарур бўлган эҳтиёжлардир. Мунтазам равишда жисмоний тарбия, спорт, халқ миллий ўйинлари ва саёҳатлар билан шуғулланиш саломатликни эҳтиёжларини қониқтиради, уларни мазмун ва шакл жиҳатдан бойитади. Бундай жараёнларни юқори малакали спортчилар, спорт билан шуғулланувчи кишилар доимий жисмоний

меҳнат қилувчилар мисолида кўриш мумкин. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда юртимизда жисмоний тарбия ва спортга, шунингдек, ўқувчи ёшлар ва талабаларнинг жисмоний тарбия билан узлуксиз шуғулланишларига кенг имконият яратилмоқда.

Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари умумтаълим давлат стандартлари бўйича “жисмоний тарбия” дастури асосий турлардан биридир. Ўқувчи-ёшларга жисмоний тарбия дарслари ушбу дастур асосида ўтилади.

Кузатишлар, савол-жавоблар, расмий суҳбатларнинг натижалари ўқувчи ёшларни жисмоний жиҳатдан тарбиялашда гимнастика, енгил атлетика, спорт ўйинлари, ҳаракатли ўйинлар, миллий рақс элементлари жуда қизиқтиради. Улар орасида халқ миллий ўйинлари (от ўйинлари: кўпкари-улоқ, пойга, арқон тортишиш, билак кучини синаш, эшак минди ва ҳ.к), шарқона якка курашлар, саёҳатлар билан шуғулланишга хоҳиш билдирувчилар ҳам жуда кўп. Чунки, жисмоний тарбия ва спорт бўлажак касб-ҳунар эгаларини чаққон, эпчил, кучли, чидамли қилиб тарбиялашдаги амалий моҳиятларини ўз тажрибаларида синаб кўрмоқдалир. Лекин барча ўқувчи-талаба ёшлар спортнинг энг зарур турлари ва айниқса ўзлари севган, ёқтирган спорт турлари билан шуғулланиш имкониятларига тўла эга эмаслар. Бунинг бош сабабларидан бири шундаки, спорт иншоотлари дастурдаги ва хоҳлаган спорт турлари билан шуғулланишга етарли даражада эмас. Шунингдек, баъзи жисмоний тарбия ўқитувчилари спортнинг барча турлари бўйича амалий малакага эга эмас. Коллежларда зарур спорт турлари бўйича махсус мураббийларни жалб этиш имконияти йўқ ҳисоби. Шу сабабдан ҳам “Баркамол авлод” спорт мусобақалари дастурида белгиланган спорт турлари билан тўла шуғулланиш орқада қолмоқда.

“Соғлом авлод” дастури, “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестларининг синов-меъёр талаблари қўйган мақсад ва вазифаларни амалга

ошириш ўқувчи ва талаба ёшларнинг дарсдан ташқари оммавий соғломлаштирувчи жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини юқори савияда ўтказишни талаб этади.

Буни амалда бажариш учун қуйидаги масалаларни амалга оширишга тўғри келади, яъни:

1. Жисмоний тарбия, спорт, халқ миллий ўйинлари ва саёҳатлар бўйича муҳим тадбирларни педагогик кенгашларнинг режасига киритиш.

2. “Маънавият ва маърифат”, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, турли жамғарма уюшмаларнинг жамоадаги бошланғич ташкилотлари иш режаларида жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини акс эттириш.

3. Маърузалар, суҳбатлар, расмий учрашувлар, маданий тадбирлар, анъанавий байрамларда жисмоний тарбия ва спортнинг моҳиятларини тарғиб қилиш.

4. Синф (гурух) раҳбарлари, фан ўқитувчиларининг вазифалари доирасида жисмоний тарбия, спорт, халқ миллий ўйинлари ва айниқса саёҳатлар, ўлкашунослик масалалари бўйича тегишли машғулотларни олиш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт тадбирларида фаол иштирокини таъминлаш.

5. Ушбу тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш мақсадида “Баркамол авлод” спорт клубини ташкил этиш, унинг бошқарув раиси этиб директор ўринбосарларидан бирини тайинлаш (сайлаш) мақсадга мувофиқдир.

Анализ тадбирлар амалга оширилса, жисмоний тарбия ва спортнинг салоҳияти янада ошиб боради ва барча оммавий маданий тадбирлар, қадрият ўз устуворлигига эга бўлади. Бу ўз навбатида “Баркамол авлод” спорт мусобақаларининг барча босқичларида муваффақият билан қатнашишга замин тайёрлайди.

1.2. Буюк келажак авлодларини жисмоний баркамолликка етказиш йўллари

Республика Президенти И.А.Каримов “Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” нутқида таъкидлаганларидек, “Барчангиз яхши биласизки, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол шахсни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиз. Бунда бир олам дунё мантиқифода этилганилигни англамоқ зарурдир”¹.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонуни (2000 й. янги таҳрир) ва Республика ҳукуматининг 1993-2002 йилларда қабул қилинган кўпгина қарорлари, айниқса “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги (1999 й. 27 май 271-сонли) қарори мамлакатда аҳолининг саломатлигини яхшилаш, айниқса ўқувчи ёшлар ва талабаларнинг жисмоний баркамоллигини тарбиялаб етиштиришда энг муҳим омиллардан бири сифатида хизмат қилмоқда. Бу қарорда коллежлар спортини ривожлантириш таъкидланганлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

Юқорида таъкидланган қарор ва қонунларда келажак авлодларнинг жисмоний баркамоллигини таъминлаш йўллари очиқ берилмоқда. Бунда жисмоний тарбия ўқув жараёнларининг сифатни кўтариш, истеъдодли ёшларни спортга сафарбар этиш, барча ўқув ва машғулотлар (тренировка) учун моддий техника базасини яратиш, спорт мажмуаларини турли хил асбоб-ускуналар билан таъминлаш асосий ўрин эгаллайди.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Соғлом авлод” Давлат дастури, Умумтаълим давлат таълим стандартлари асосида ўқув юртларида жисмоний тарбия, спорт, халқ миллий ўйинлари, саёҳатларни (туризм) ташкил қилиш, уларни юқори савияда ўтказиш, ўқувчи ёшларни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 1997 йил 29 мартдаги Олий Мажлиснинг IX сессиясида сузлаган нутқидан

қизиққан спорт турлари бўйича машғулотлар, мусобақалар ташкил этиш уларга маҳаллий халқларни кўпроқ жалб этиш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

“Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестлари мажмуи таркибида касб-хунар коллежларининг ўқувчи ёшлари учун алоҳида (II босқич) талаб ва синов-меъёрлари берилган. Шунга асосан ўқувчи-талабалар билан махсус тестлар бўйича махсус машғулотлар ўтказиш ва синов-меъёр талабларини бажариш учун алоҳида мусобақалар ташкил этиш лозимлиги қайл этилган.

Эътироф этиш лозимки, махсус тестлардаги синов-меъёрларнинг талаблари мазмунида биринчи навбатда саломатликни яхшилаш, жисмонан соғлом бўлиш ва чиниқиш мақсад қилинган бўлса, иккинчидан навбатда ўқувчи-талаба ёшларни ўз касблари соҳасида жисмоний тарбия ва спортдан доимий равишда фойдаланиб бориш йўлларини билан қуроллантиради. Бу ўз навбатида меҳнат унумдорлигини ошириш, иш қобилиятини янада яхшилаш, уларни узайтиришга асос бўлади. Махсус тестларнинг мақсади ва унинг негизида жисмоний тарбиянинг турли воситалари (гимнастика, енгил атлетика, сузиш, спорт ўйинлари, туризм ва милтикдан ўк отиш) орқали ҳар томонлама жисмоний ривожланиш, ҳарбий хизмат машқларини бажаришга тайёргарлик, Ватан, халқ олдида ўз бурчларини бажаришга доимо тайёр бўлиб туришга отлантиради. Бундай кенг қамровли ва кўп қиррали ижтимоий-тарбиявий жараёнларни ўқувчи ва талаба ёшларнинг жисмоний баркамоллигини таъминлашнинг асосий манбаидир, дейиш мумкин.

Анализ жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, ҳар бир касб-хунар коллежининг педагогик жамоалари ва жамоатчи бошланғич ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатишлари, жисмоний тарбия ўқитувчилари ва жамоатчи фаолларига (синф-гуруҳ ташкилотчилари, спорт турлари бўйича команда сардорлари, ҳакамлар ва ҳ.к) яқиндан туриб амалий ёрдам беришлари лозим бўлади.

Касб-хунар коллежларида бошланғич жисмоний маданият жамоаларини (физкультура коллективи) тузиш, уларни аста-секин “Баркамол авлод” спорт клубига айлантириш йўли билан ўз-ўзини бошқаришга ҳозирлик кўриш лозим.

Таъкидлаш лозимки, ҳар бир касб-хунар коллежида “Баркамол авлод” спорт клубини таъсис этиш, жамоадаги оммавий соғломлаштирувчи жисмоний тарбия, спорт халқ миллий ўйинлари, саёҳатларни мунтазам ва талаб даражасида ташкил этишга сабаб бўлади. Бу эса “Баркамол авлод” спорт мусобақаларининг туман, шаҳар вилоят ва Республика босқичларида жамоанинг қатнашиши ҳамда юртимиз учун истеъдодли спортчилар етиштириб беришда хизмат қилиши табиийдир.

“Баркамол авлод” спорт клуби ташкил этилса қуйидаги оммавий соғломлаштириш жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ташкил этишга имкониятлар туғилади, яъни:

–ўқувчи-талаба ёшларнинг ётоқхоналарида эрталаб, бўш пайтлар ва турли ўртоқлик учрашувларда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, мусобақалар ўтказиш;

–дарслар оралиқларида (танаффус ёки бўш вақт) турли хил ўйинлар, суҳбатлар, мусобақалар ташкил қилиш;

–жамоатчилик ва соатбай (хақ тўлаш) асосида спорт тўғаракларини ташкил қилиш, ёшларни ўз севган спорт турлари бўйича машғулотлар ўтказиш;

–календарь режа бўйича анъанавий спорт мусобақалари, халқ ўйинлари ва саёҳатларни ўтказиш;

–жисмоний тарбия ва спортни тарғибот қилишда замонавий техника ва усуллардан фойдаланиш;

–ўз-ўзига хизмат қилиш ва бошқариш тамойилларига таянган ҳолда молиявий манбаларга эга бўлиш;

–спорт жиҳозлари, асбоб-ускуналар харид қилиш, спорт иншоотларини кенгайтириш, таъмирлаш ва хўжалик ишларида кўмак бериш ва ҳоказо.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчи-талаба ёшларни жисмоний тарбия, спорт, халқ миллий ўйинлари ва саёҳатларга қизиқтириш, уларни мунтазам равишда шуғулланишга жалб этувчи, даъват килувчи йўллар, имкониятлар, омиллар чексиздир. Бу йўлда Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари ва турли низомлар бевосита хизмат қилади. Энг муҳими шундаки жисмоний тарбия дарсларнинг мазмунли, қизиқарли ва касб-хунарга боғлиқ равишда олиб бориш лозим бўлади. Ёшларнинг жисмоний тайёргарлиги, қобилияти, қизиқишига қараб спорт турлари бўйича машғулотлар, мусобақалар ўтказиш мақсадга мувофиқдир. “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестларининг ижтимоий-тарбиявий моҳиятлари, унинг жисмоний баркамолликка қаратилган мақсад ва вазифаларини ёшлар онгига чуқур сингдириш бу борадаги тадқиқот ишларини янада кучайтириш зарурдир.

Ўқувчи ва талабаларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш лозим бўлади:

1. ҳар бир дарсда (гимнастика, енгил атлетика, спорт ўйинлари, миллий спорт турлари ҳ.к.) машқларнинг аҳамияти ҳақидаги назарий тушунчаларга эътибор қаратиш.

2. Ўзбекистон спорт тарихи ҳақида аниқ маълумотлар бериш, жаҳон ва олимпиа ўйинлари ғолиблари ҳақида ҳикоялар қилиш.

3. Жисмоний тарбия дарсларида илғор ёшларни рағбатлантириш, мусобақа ғолибларини эъзозлаш.

4. Ишларни жамоатчилик асосида ташкил қилиш йўлларини чуқур ўргатиш ва ҳ.к.

**Ўз-ўзини назорат қилиш ва текшириш учун
саволлар.**

1. Оммавий спорт тадбирлари деганда нимани тушунасиш?
2. Ўқувчи ва талаба ёшлар ҳаётида жисмоний тарбия ва спорт қандай аҳамиятга эга?
3. “Баркамол авлод” спорт мусобақалари ҳақида тушунча беринг?
4. Келажак авлодларни жисмоний баркамолликка етиштиришнинг қандай йўллари бор?
5. “Баркамол авлод” спорт клуби ҳақида нималарни тасаввур этасиз?

II БОБ. “БАРКАМОЛ АВЛОД” СПОРТ КЛУБЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

2.1. “Баркамол авлод” спорт клубининг ташкилий тузилиши

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (УзРВМ) “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарори (1999 й. 27 май) қабул қилинган. “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш Давлат дастури концепсияси (илова) ва уни амалга ошириш тadbирлари (илова-2) илова қилинган. Унда таъкидланишича талабаларнинг “Талаба” спорт уюшмасини ташкил қилиш, коллежлар ва лицейларнинг “Коллеж спорти” ҳаракатини ташкил қилиш, уни ёшларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб қилишнинг асосий манбаига айлантириш керак дейилган.

Ана шу қарор ва концепция асосида Республика “Талаба” спорт уюшмаси ташкил этилган (2001 й. 30 март). Унинг вилоятлар ва йирик шаҳарларда тармоклари мавжуд. Шунингдек барча турдаги олий ўқув юртлари “Талаба” спорт клублари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Умумтаълим Давлат таълим стандартлари” ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг иш фаолиятига раҳбарлик қилиш таркиби асосан Ўзбекистон Республикасининг олий таълим вазирлигига юклатилган. Шу асосда ташкил этилган Республика “Талаба” спорт уюшмасининг зиммасига касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлардаги оммавий соғломлаштирувчи жисмоний маданият ҳаракатини юритиш вазифаси ҳам юклатилган. Республика “Талаба” спорт уюшмасининг Уставида таъкидланишича

академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида жисмоний тарбия ва спорт ишларини ташкил қилиш мақсадида “Баркамол авлод” спорт клубини таъсис этиш тавсия этилган.

Шу сабабдан барча академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида “Баркамол авлод” спорт клубини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бунда таъкидланганидек, “Талаба” спорт клубининг Устави ва Низомига асосланиш лозим бўлади.

“Баркамол авлод” спорт клубининг ташкилий тузилиши ва иш мазмуни, унинг баъзи бир муҳим томонларига изоҳ бериш зарур.

2.2. Умумий тушунчалар

1. “Баркамол авлод” спорт клуби (академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва х.к.) ўқувчи ва талаба ёшларининг ижтимоий-жамоатчи ташкилоти сифатида ўз-ўзини бошқариш тамойилларига асосланади.

2. Мазкур клуб жамоадаги “маънавият ва маърифат”, Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда ҳарбийларга кумаклашади. “Ватанпарвар” ва бошқа бошланғич жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатади ва ўқув юрти маъмуриятига бўйсинади.

3. “Баркамол авлод” спорт клуби шаҳар (туман) “Баркамол авлод” спорт уюшмаси олдида ҳисобот беради ва унинг кўрсатмалари асосида иш олиб боради.

Спорт клубининг мақсад ва вазифалари:

1. Клубнинг асосий мақсади ўқув юртида ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб этиш, жисмоний тарбия, спорт, халқ миллий ўйинлари ва оммавий саёҳатларни ривожлантиришдан иборат.

2. Вазифалар:

– спорт турлари бўйича секциялар ташкил қилиш, турли мусобақалар уюштириш;

- спорт турлари бўйича жамоалар (команда) тузиш ва “Баркамол авлод” спорт мусобақаларида қатнашиш;
- “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестлари бўйича тайёргарликлар куриш ва мусобақалар ўтказиш;
- ўз-ўзини бошқариш тамойилларини таркиб топтириш, молиявий иш юритиш;
- спорт мавзусида маърузалар, суҳбатлар ташкил қилиш, тарғибот ишларини олиб бориш ва ҳ.к.

Спорт клубининг тузилиши ва унга раҳбарлик

Спорт клуб фаолиятини ташкил қилиш ва унга раҳбарлик қилиш қуйидаги тартибда олиб борилиши тавсия этилади:

1. Спорт клубини бошқарувини сайлаш. Бу асосан ўқувчи, талабалар ва ўқитувчиларнинг умумий таъсис йиғилиши ёки алоҳида анжуманларда (конференция) сайланади, 7-9 кишидан иборат бошқарув таркиби сайланади. Уларнинг таркиби ва вазифалари:

- бошқарув раиси;
- раис ўринбосари;
- аъзолар;
- “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тести учун масъул;
- иш юритиш бўйича котиб;
- тарғибот ишлари бўйича масъул;
- хўжалик ва спорт иншоотлари бўйича масъул;
- оммавий-ташкилий ишлар бўйича масъул;

Ўқув юрти шароити ва талабларига қараб бу таркиб кенгайтирилиши мумкин.

2. Клуб фаолиятини яхши йўлга қўйиш ва бошқа жамоат ташкилотларининг иш фаолиятлари билан боғланган ҳолда раҳбарлик

Анжуман (конференция) ҳар икки йилда бир маротаба ўтказилади ва унда бошқарув раиси, тафтиш комиссияси раисларининг ҳисоботлари муҳокама қилинади. Бошқарувнинг янги таркиби сайланади.

Бошқарув кенгаши ҳар ойда бир маротаба ўз йиғилишларини ўтказади ва унда иш фаолиятлари билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади, режаларни, Низомларни тасдиқлайди.

Бошқарув раиси:

- ҳар кунлик ишга раҳбарлик қилади;
- ўринбосари, котиби ва аъзоларига иш-вазифа беради, уларнинг бажарилишини назорат қилиб, ёрдам беради;
- ўқув юртидаги барча тадбирларга фаол иштирок этади;
- шаҳар (тунман) спорт ташкилотларининг тадбирларида қатнашади;
- молиявий хўжалик ишларига жавоб беради.

Раис ўринбосари (муовини)-раиснинг топшириклари асосида фаолият кўрсатади, раис йўқ пайтида унинг вазифасини бажаради.

Котиб-барча ҳужжатларни расмийлаштиради ва аъзолик бадалларини йиғиб, ҳомийлар, жамғарма ташкилотлари тақдим этган маблағларни ташкилот рақамига ўтказади.

Ҳисобхона барча ҳисоб-китоб, молиявий ишларини юритади.

Аъзолар-комиссиялар тузиб, ўз соҳалари бўйича амалий иш олиб боришади.

Спорт турлари бўйича ташкил этилган секциялар, командаларнинг иш фаолияти раис ва унинг муовини томонидан назорат қилинади.

Гуруҳ (синфлар) ва курсларда ташкил этиладиган оммавий спорт мусобақалари ва бошқа тадбирларга бошқарув аъзолари раҳбарлик қилади.

Истеъдодли спортчилар, фаоллар ва чемпионларни, тақдирлаш ўқув юрти директори ёки унинг муовинлари томонидан амалга оширилади.

4. “Баркамол авлод” спорт клубининг ҳуқуқлари

Уқув юртида жисмоний тарбия ва спорт ишларини олиб боришда спорт клуб бошқаруви (кенгаш) қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

1. Жамоада жисмоний тарбия, спорт, халқ миллий ўйинлари, саёҳат каби тадбирларни уюштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, уларни ўқув юрти раҳбарияти ва шаҳар (туман) “Баркамол авлод” спорт уюшмаси хайъатига тақдим этиш.

2. Уқув юртидаги барча бошланғич жамоат ташкилотларини спорт тадбирларини ўтказишда кумаклашишга жалб этиш.

3. Уз ҳисобида бўлган маблағларни спорт тадбирларига сарфлаш.

4. Қонунлар ижросида пуллик хизматларни (ижара, спорт-лото, гуруҳлар тузиш ва х.к.) ташкил этиш.

5. “Баркамол авлод” спорт клуби аъзоларининг ҳуқуқлари ва бурчлари

а) Ҳуқуқлар:

1. Клубга ихтиёрий равишда аъзо булиш.
2. Спорт секцияларида бепул шуғулланиш.
3. “Баркамол авлод” спорт мусобақаларининг барча босқичларида қатнашиш.
4. Тегишли асбоб-ускуналар ва спорт буюмларидан бепул фойдаланиш.

б) Бурчлар:

1. Аъзолик бадалларини ўз вақтида тулаш (стипендиянинг 1 фоизи миқдорида).
2. Секциялар ва командаларда доимий қатнашиш, мусобақаларда жамоа шарафини ҳимоя қилиш.
3. Спорт буюмлари, кийимлар, асбоб-ускуналар ва иншоотларни талаб даражасида сақлаш.
4. Укув юртидаги спорт мусобақаларида фаол қатнашиш.
5. Оммавий хашар ва таъмирлаш ишларида иштирок этиш.

6. Жамоатчи ва кумаклашувчи комиссиялар ҳамда бошланғич жамоаларнинг вазифалари

1. “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестлари бўйича комиссия:
 - махсус тестлар мазмунини барчага намуна сифатида ёзиб-осиб қўйиш, уларни тарғибот қилиш;
 - махсус тестларни бажариш учун тайёргарлик ва синов-меъёрлар талаблари бўйича мусобақалар ўтказиш таквим (график) тузиш;
 - зарур муаммолар пайдо бўлганда спорт клуби раиси ва ўқув юрти дирекциясига арз қилиш, уларни ижобий ҳал этилишини назорат қилиш.
2. Тарғибот комиссияси:

- синфлар (гурух) ва курсларда деворий газеталар, фото монтажлар, стендлар, чакириклар, кургазмалар ташкил қилиш;
- мухарририят (редкология) тузиш, уларнинг амалий иш фаолиятига ёрдам бериш;
- истеъдодли ўқувчи, талабаларни танлаб, уларга мухбирлик малакаларини ургатиш;
- Шахар (туман) ва марказий газеталар, радио ва телевидение орқали ўз тажрибаларини ёритиб бориш;
- олимлар, тажрибали мураббийлар, Республика, Осиё ва жаҳон чемпионлари, олимпия ўйинлари қатнашувчилари билан учрашувлар ташкил қилиш ва х.к.

3. Хотин-кизлар ва бошқа комиссиялар:

- жисмоний тарбия, спорт, халқ миллий ўйинлари ва саёҳатларнинг соғломлаштирувчи омилларини оммага сингдириш (маъруза, суҳбат, кургазма);
- хотин-кизлар спорти ва уларнинг моҳиятларини мусобақа жараёнларида кўрсатиш;
- хотин-кизлар билан махсус мусобақалар ташкил қилиш ва х.к.

7. Спорт клубининг молиявий фаолиятлари

Юқорида таъкидланганидек, спорт клуби аъзолари ҳар ойда стипендиянинг бир фоизи миқдорида аъзолик бадаллари тулашади. Шунингдек, соғломлаштириш гуруҳлари (бошқа ташкилотлар учун), спорт иншоотларини ижарага бериш, спортлото ўйинлари, баъзи тижорат ишлари (спорт буюмларини сотиш), ҳамда ҳомийлар томонидан тақдим этилган маблағлар клубнинг молиявий бюджетини ташкил этади. Умумий маблағлар миқдорини сарфлашнинг қуйидаги сметасини тузса бўлади, яъни:

1. Зарур бўлган спорт буюмлари ва кийимларини сотиб олиш.
2. Спорт асбоб-ускуналарини таъмирлаш, янгиларини сотиб олиш.
3. Ички спорт мусобақалари учун зарур харажатлар (дипломлар, кубоклар, коғозлар ва ҳ.к).
4. Ёлиб ва илгор спортчиларни моддий тақдирлаш.
5. “Баркамол авлод” спорт мусобақаларининг юқори босқичларига командаларни тайёрлаш мақсадида мураббийларни жалб этиш ва уларга соатбай ҳақ тулаш.
6. Спорт клуби бошқарув раҳбарлари ва унинг аъзоларини рағбатлантирувчи иш хақи, мукофотлар.
7. Турли харажатлар (мусобақа ва ташкилий ишлар билан боғлиқ тадбирлар).

Хулоса шундаки, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида “Баркамол авлод” спорт клубини ташкил этиш, уни бошқаришнинг илгор тажрибаларини оммалаштириш ўқувчи ва талаба ёшларни жисмоний баркамол қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Унинг иш фаолиятини юритишда давр талабларига асосланиш, ўқув юртим раҳбарларининг бурч ва масъулиятларини янада кенгайтириш лозим. Бу ўз навбатида қонунлар ва махсус қарорлар билан кафолатланганликларини унутмасликка даъват этади.

2.3. Ўқувчи ва талабаларнинг “Ёшлар спорти” ҳаракатини ташкил қилиш йўллари

Юқорида қайд қилиб утилганидек, Республика ҳукуматининг 1999 йил 27 майдаги 271-сонли қарорига иловаларда академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ва олий ўқув юртларида “Ёшлар спорти” ҳаракатини шакллантириш ва уни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган.

“Коллеж спорти” ҳаракатини ташкил этиш ва уни бошқариш йўллари ҳақида аввалги бўлимда батафсил суз юритилди. Шу сабабли бу бўлимда “Ёшлар спорти” ҳаракатининг асослари, энг муҳим бўлган тадбирлар, фаолиятлар тўғрисида қуйидаги баъзи таклиф ва тавсиялар келтирилган:

1. “Баркамол авлод” спорт клубининг йиллик умумий режаси ва бошқарув кенгашининг йиғилишлар режаси.

2. Спорт клубининг спорт тадбирлари бўйича йиллик календарь режаси.

3. Мусобақаларнинг низомлари.

4. Ўтказиладиган спорт мусобақаларининг расмий ҳужжатлари.

5. Жамоатчи фаолларни тайёрлашнинг семинар-машғулот режалари.

6. Тадбирларни ҳисобга олиш ва йиллик ҳисоботлар тузиш.

Буларга қисқача баён ва изоҳлар қуйида акс эттирилади.

1. Барча соҳалар каби ўқув юртларида ташкил этиладиган жисмоний тарбия ва спорт билан боғланадиган оммавий тадбирларнинг режаси алоҳида тузилади ва у расмий равишда ўқув юрти раҳбари томонидан тасдиқланади.

Республикадаги собик техникумлар, хунар техника ва бошқа турдаги билим юртларининг (ҳозирги коллежлар) эътиборга молик бўлган тажрибаларига таянган ҳолда спорт клубининг йиллик намунавий режасини

мисол қилиб келтирамиз. ҳар бир коллеж бунга кушимчалар ва узгартиришлар киритган ҳолда ўз режаларини тузиши тавсия этилади.

Намунавий йиллик режаси

	Режанинг мазмуни	Муддати	Масъуллар	Эслатма
1.	I. Ташкилий ишлар. Умумий йиғилиш (анжуман-конференция) ўтказиш. Раҳбарлар, фаолларни қайта сайлаш, режаларни муҳокама қилиш ва х.к.	Укув йили бошида	Укув юрти раҳбари	Туман (шаҳар) спорт ташкилот вакили иштирокида
2.	Укув-спорт машғулотларининг режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш		Спорт клуби раиси	Директор муовини қўриб чиқади.
3.	Спорт ва ўйин майдонларини машғулотлар, мусобақаларга тайёрлаш	доимий	масъуллар	
4.	Зарур спорт турлари бўйича соатбай мураббийларни жалб этиш, шартномалар тузиш.	мусобақа -лар олди-дан	спорт клуби раиси	
1.	II. Укув-спорт ишлари. Спорт турлари бўйича секциялар ташкил этиш, уларнинг иш фаолиятларини назорат қилиш	доимий	масъуллар	
2.	Илгор ва янги тажрибаларни урганиш ва уларни амалда қўллаш.		мураббий- лар	
3.	Укув-услубий қўлланмалар,		ўқитувчи-	

	тавсияномалар ишлаб чиқиш, уларни нашрдан чиқариш.		лар	
4.	Спорт мавзусида маърузалар матнларини ишлаб чиқиш ва уларни жорий этиш (хар бир соат тури бўйича).			
1.	III. Жамоатчи фаолларни тайёрлаш. Гуруҳлар (синфлар) ва курсларда ташкилотчи (физорг), команда сардорлари (капитан), жамоатчи мураббий, ҳакамлар ва курикчиларни (инструктор-методист) тайёрлаш семинар-укув машғулотларини ташкил қилиш.	йил давомида	масъуллар	четдан мутахассислар таклиф этиш
2.	Жамоатчи фаоллар билан йиғилиш суҳбатлар ўтказиш.			мусобакалар олдидан
3.	Иктидорли ҳакамлар ва ташкилотчиларни шаҳар (туман) спорт ташкилотларининг укув-семинарларига сафарбар этиш, уларнинг малакаларини ошириш.		спорт клуби раиси	
4.	“Баркамол авлод” спорт мусобақаларида жамоатчи			

	фаоллардан фойдаланиш, уларни тақдирлаб бориш.			
1.	IV. Тарғибот ишлари. “Коллеж спорти” деворий газетасини ташкил қилиш.	йил бошида		
2.	Спорт турлари бўйича стендлар, кургазмалар, фото- альбомлар тайёрлаш.	йил давомида	мухар- ририят	
3.	Спорт майдонларида рекламалар ташкил этиш.			
4.	Талаба ёшлар уртасида уларни қизиқтирган мавзу- ларда маъруза ўқиш, таник- ли олимлар, фахрийлар, мураббийлар ва спортчилар- ни тақлиф этиш.		спорт клуби раиси	
5.	Спорт мусобакаларнинг бошланиши ва якунларида янги маълумотлар, хабарлар бериб бориш, спортчиларни тақдирлаш.			
6.	Оммавий ахборот восита- лари ва телерадиоларда суҳбатлар ўйштириш.			укув юрти рахбарлари кумагида
1.	V. Молиявий-хўжалик ишлари Аъзолик бадалларини йиғиш ва харажатлар сметасини	йил давомида	спорт клуби	

	тузиш.		раиси	
2.	Жамғарма уюшмалари, ҳомийлар ва х.к. ташкilotларнинг молиявий ёрдамидан фойдаланиш.			
3.	Спорт зали, сув хавзаси ва бошқа иншоотларни ижарага қўйиш, пуллик соғлом- лаштириш гуруҳлари-ни ташкил қилиш, спорт-лотто ва х.к. тадбирлар орқали молиявий иш юритишни ташкил қилиш.			
4.	Спорт буюмлари, кийимлар- ни харид қилиш, уларни сақлаш.		масъуллар	
5.	Спорт жиҳозлари ва ўйин майдонларини таъмирлаш, янгидан кўриб уларни кенгайтириш.			
1.	VI. Ҳисоб-китоб ишлари Иш юритиш ҳужжатларини тутиш ва уларни сақлаш.	доимий равишда	котиб	фаолларни жалб этиш
2.	Спорт мусобақаларини ва машғулотларига доир рас- мий ҳужжатларни (низом- лар, қарорлар, журналлар ва х.к.) сақлаш.			

3.	Укув йили ва календарь йиллари учун ёзма ҳамда статистик (махсус формада) ҳисоботлар тайёрлаш ва тегишли ташкилотларга топшириш.	йил охири	спорт клуби раиси	укув юрти раҳбарлари назорати остида.
----	--	-----------	-------------------	---------------------------------------

Таъкидлаш лозимки, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари иш режаларини узларининг соҳалари ҳамда имкониятларини эътиборга олган ҳолда тузишлари лозим бўлади. Бунда мутасадди вазирликлар, спорт кумитаси, “талаба” спорт уюшмаси ҳамда унинг таркибидаги “Баркамол авлод” спорт уюшмаси (кенгаши) кабиларнинг кўрсатмалари ва талабларини инобатга олиш лозим.

Спорт тадбирларининг йиллик календарь режаси. Касб-хунар коллежларига оммавий спорт тадбирларини ташкил қилиш ва ўтказиш “Коллеж спорт” ҳаракатининг энг устивор қисмини ташкил этади. Шу сабабдан бундай тадбирларни пухта ишлаб чиқиш “Баркамол авлод” спорт мусобақалари, “Алпомиш” ўйинлари ҳамда “Тумарис” ўйинлари фестиваллари дастурига асосланиш зарур. Буларни қуйидагича ифодалаш мумкин.

“Баркамол авлод” спорт клубининг “Ёшлар спорти” ҳаракатидаги йиллик календарь режаси намуна сифатида берилган.

Йиллик календар режаси

1.	I. Оммавий соғлом-лаштирувчи спорт тадбирлари. Мустақиллик куни, Навруз каби анъанавий байрамларда кургазмали спорт чиқишлари, мусобақаларни уюштириш.	август, сентябрь, март.	Укув юрти спорт майдонлари	Укитувчилар, мураббийлар	Коллеж раҳбарлари билан ҳамкорлик
2.	“Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тесларнинг талаблари бўйича мусобақалар.	махсус графиклар асосида	Белги-ланган жойлар	Жамоатчи фаоллар	
3.	Ётоқхоналар олдида турли спорт тадбирлари, эрталабки гимнастикани уюштириш.				
4.	Дам олиш кунлари ва таътил пайтларида оммавий саёҳатлар ташкил қилиш.				Коллеж раҳбарлари рухсати
5.	Ёзги дам олиш ва спорт оромгохларида мусобақалар ўтказиш.				

1.	II. Комплекс тадбирлар. “Баркамол авлод” спорт мусобақалари дастури асосида мусобақалар ўтказиш.	режа асосида	Стадион, спортзал, ўйин майдон-лари	Мураб-бийлар, ҳакамлар, фаоллар	
2.	“Алпомиш” ва “Барчин-ой” махсус тестларининг синов-меъёрлари талаб-ларини бажариш учун мусобақалар ташкил этиш.				
3.	Туристик техника (спортча чамалаш) бўйича мусобақалар ташкил қилиш.				
4.	“Алпомиш” ўйинлари халқ миллий мусобақа-ларини ўтказиш.				
1.	III. Анъанавий спорт мусобақалари. Укув юрти биринчилиги учун спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш.				
2.	Хотира ва турли				

	турниларга багишлаб мусобақалар уюштириш.				
3.	Маҳаллий жамоа шариоити бўйича турли жамоалар билан уртотлик учрашувларини ўтказиш (футбол, кураш, халқ миллий ўйинлари ва х.к.)				

Шуни таъкидлаш жоизки, календарь режани тузишда ўқув юртида бўлиб утадиган турли хил тадбирларни вилоят, шаҳар, туман спорт ташкилотларида ўтказиладиган тадбирлар билан бир вақтга тўғри келиб колмаслигини назарда тутиб, уларнинг режаларини эътиборга олиш зарурдир. Шунингдек, алоҳида аниқ бошқариладиган тадбирларнигина режага киритиш лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтганда “Баркамол авлод” спорт клубларини ташкил этиш, ўқувчи ва талаба ёшларни оммавий равишда спортга жалб қилиш, иктидорли спортчиларни аниклаш ҳамда уларни тарбиялаш, энг муҳими уларни доимий равишда жисмоний баркамоллигини ошириб бориш бугуннинг асосий талабларидан биридир. Бу ўз навбатида ҳукумат қарорларини амалга ошириш, “Соғлом авлод” Давлат дастури, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестлари талабларини амалий жиҳатдан жорий қилишнинг асослари бўлиб хизмат қилади. Шу сабабдан “Ёшлар спорти” ҳаракатини такомиллаштириш мақсадида барча тадбирларни аниқ ва пухта режалаштириш ҳамда амалда бажариш лозим бўлади. Бунда эса жамоатчи кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакаларини давр талаблари асосида ошириш, жисмоний тарбия

мустахассисларининг иш савияси ва сифатини яхшилаш, илгор тажрибалар ва илмий тадқиқотларнинг натижаларига таяниш зарурдир.

Мусобақаларнинг низомлари

Жисмоний ҳаракатда ҳар бир тадбирларнинг узига хос тартиб-қоидалари бўлади. Айниқса, спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш учун дастлаб Низомлар ишлаб чиқилади ва тасдиқ дан утгач, тегишли жамоалар, ташкилотларга бир ой аввал юборилади. Чунки, мусобақага тайёрланиш, унинг шартларини бажариш учун маълум оралик муддат талаб этилади. Бу мусобақаларнинг узига хос қонуниятларидир.

Низомда ўтказиладиган мусобақаларнинг қулами, спорт турларининг хусусиятлари ва жамоаларнинг спортдаги фаолиятлари асос қилиб олинади. Шу туфайли ҳар бир спорт клуб (жамоа) мусобақалар Низомини тайёрлашда ўз шароитлари, имкониятлари билан ҳисоблашишлари лозим бўлади.

Низомнинг мазмунини қуйидаги йўналишлар асосида белгилаш амалда қулланилиб келинаётган жараён ҳисобланади, яъни:

1. Мусобақанинг мақсад ва вазифалари. Бу бўлимда ўқувчи ва талаба ёшлар орасида спортни оммалаштиришнинг асосий йўллари ифодаланади.

2. Мусобақанинг дастури ва ўтказиш шартлари. Бунда спорт турлари ва уларда иштирок этиш шартлари ифодаланади.

3. Мусобақа ўтказиш жойи ва муддатлари. Спорт турларининг хусусиятларига кура жамоаларга (команда) қулайлик яратиш мақсадида аниқ жойлар, вақтлар (кунлар) қусатилади.

4. Мусобақаларни ўтказишга раҳбарлик қилиш. Бу бўлимда асосан ташкилотчилар, спорт турлари бўйича ҳакамлар ва жамоаларнинг (команда) мураббийлар, раҳбарларининг иш фаолиятлари акс эттирилади.

5. Мусобақаларни яқунлаш, ғолибларни аниклаш ва уларни тақдирлаш. Бу бўлимда ўтказилган мусобақаларнинг натижаларига қараб яқун ясаш, ғолибларни аниклаш шартлари, мукофотларнинг турлари, уларнинг ҳомийлари белгиланади.

6. Спорт турларига қараб, унда қатнашиш учун сураладиган ҳужжат (талабнома) намунаси ва унинг мураббийлар шифокорлар, жамоасини (гуруҳ, курс ва х.к.) раҳбари томонидан тасдиқ ланиш шартлари ифодаланади.

Ушбу талаблар мусобақаларни ташкил қилиш, мазмунли ва қизиқарли ўтказишнинг омилидир. Шу жиҳатдан спорт клуби бошқарма кенгаши курслар, гуруҳлар ва булинмаларнинг аниқ вазифаларини ўз Низомларида ишлаб чиқишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўтказиладиган мусобақаларнинг расмий ҳужжатлари

Республикамизда ўтказилиши лозим бўлган ҳар бир тадбир ва уларни бўлиб утганлиги ҳақидаги расмий ҳужжатларнинг амалда бажарилишини назорат қилиш, ҳақиқийлигини исботлаш талаб этилади. Шу асосда спорт клубларида (барча жамоаларда) спорт мусобақаларини ўтказиш ва уларни яқунлаш борасидаги расмий ҳужжатларни юритиш лозим бўлади. Уларнинг номлари қуйидагича:

1. Мусобақаларнинг календарь режаси.
2. Мусобақаларга қатнашиш учун бериладиган талабномаларнинг асл нусхалари.
3. Спорт турлари бўйича ҳакамлар ҳайъати ва умумий рўйхати.

4. Спорт турлари бўйича қарорлар (протоколлар):

- ҳар бир тур (енгил атлетика, гимнастика, сувда сузиш ва ҳ.к спорт турларида) бўйича ва уларнинг якуни (финал) ҳақида;
- ҳар бир учрашув (футбол, волейбол, баскетбол, кул тупи, теннис, кураш, шахмат, шашка ва ҳ.к) бўйича ва якунловчи (финал) натижалари;
- умумий йигма қарор (жамоалар, спорт турлари, очколар, уринлар ифодаловчи жадваллар йигиндиси).

5. ҳар бир спорт тури бўйича катта ҳакам ва умумий мусобақалар якуни ҳақида бош ҳакамнинг ёзма ҳисоботи.

6. тақдирланган спортчилар, жамоалар, мураббийлар, фаоллар, ҳакамларнинг рўйхати ва мукофотларнинг комлари (киймати).

7. мусобақалар ҳақида спорт клубининг якунловчи умумий ҳисоботи.

Спорт мусобақаларини ўтказишнинг бундай расмийлаштирилиши фақат назоратчи ёки текширувчига далилий хизмат бўлибгина қолмасдан, балки спорт клублари фаолиятини келажакда янада яхшилашга ҳам хизмат қилиши табиийдир.

Жамоатчи фаолларни тайёрлашнинг ўқув семинар машғулотлари режаси.

Ҳар бир соҳадаги каби жисмоний маданият ҳаракатида ҳам жамоатчи фаоллар ҳамда ходимларнинг бевосита иштироки ва ёрдамлари доимий равишда зарур бўлади. Қуйидагилар жамоатчи фаоллар бўлиб ҳисобланади:

- гуруҳ (синф)нинг жисмоний маданият ташкилотчиси (физрок);
- жамоа (команда) сардори (капитан);
- спорт турлари бўйича ҳакамлар;
- йуриқчи – инструктор (методист);
- спорт клуби “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти ва ҳ.к.лардаги жисмоний тарбия ва спортга масъуллар;

- жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассисларнинг ташкилий ва бошқарув жараёнларида жамоатчилик йўли билан иштироки ва х.к.

Юқоридагилардан маълум бўладики, “Ёшлар спорти” ҳаракатини юритиш, ташкилотчилик ва бошқарув ишларини олиб боришда жамоатчилик фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабдан уларни ўқув юрти шароитида тайёрлаш тажриба ва малакаларини ривожлантириш зарурияти тугилади. Буларни амалга ошириш учун спорт клуби қошида махсус ўқув семинар машғулотларини ташкил этиш керак бўлади. Уларни тайёрлашда умум аҳамиятга эга бўлган усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунда қуйидаги ўқув семинар режаларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Жамоатчи фаолларни тайёрлаш ўқув-семинар режаси (намуна сифатида).

Т/р	Мавзулар ва қисмлар	Соатлик дарси	Эслатма
	Назарий машғулотлар.		
1.	Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши.	2	Барча тингловчилар учун
2.	Спортнинг (футбол, кураш ва х.к.) ривожланиш тарихи.	2	
3.	Жисмоний машқлар гигиенаси, тиббий куриклар ва шифокор назорати.	2	Хар бир спорт тури бўйича тингловчилар учун

4.	Спорт машғулотларини (тренировка) ташкил қилиш ва ўтказиш усуллари.	4	
5.	Спорт иншоотларини мусобақаларга тайёрлаш.	2	
II Амалий машғулотлар			
1.	Спорт турлари бўйича техник ва тактик машғулотлар		
2.	Спорт мусобақаларининг қоидалари ва усул асосида ҳакамлик қилиш амалиёти		
3.	Оммавий мусобақаларга командалар тайёрлаш ва уларнинг иштирокини таъминлаш.		
4.	Уз спорт тури бўйича мавзу танлаш ва маъруза тайёрлаш, шуғулланувчиларга укиб бериш		
5.	Тестлар асосида синов талабларини бажариш, имтихон топшириш		

Эслатма: спорт клубларининг иш фаолиятлари ва тажрибалари асосида бу укув-семинар режасининг мавзулари ҳамда соатлар миқдорида узгартиришлар киритиш мумкин.

Укув-семинарларининг амалий бўлимларини спорт машғулотлари давомида мураббийлар томонидан амалга оширилишига имкониятлар берилади.

Хулоса шундаки, жамоатчи фаолларни тайёрлаш ва улардан амалий ишларда мақсадли фойдаланиш самарадорлигини янада яхшилашни таъминлайди.

Маъруза ва назарий машғулотларни ўтказишда тажрибали ўқитувчилар, мураббийлар, ҳакамлар жалб этилиши, унда энг янги маълумотлар ва иш тажрибаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш керак.

6. Тадбирларни ҳисобга олиш ва йиллик ҳисоботлар тузиш

“Баркамол авлод” спорт клуби ўз фаолиятида амалга оширилиши зарур бўлган ва бевосита қилинган ишларини ҳисобга олиб боришлари ҳамда улар асосида маълумотномалар, ахборотлар, ҳисоботлар тузиш лозим бўлади. Уларнинг энг муҳим турларини қуйидагича белгилаш мумкин:

1. Иш режалари (йиллик, умумий ва календарь режалар)
2. Йиғилишлар (анжуман) ва мажлисларнинг қайдномалари (қарорлар)
3. Спорт клуби бошқарув кенгаши ва раҳбар аъзолари рўйхати.
4. Мураббийлар, жамоатчи фаоллар (инструктор, ҳакам, ташкилотчи ва х.к.) рўйхати.
5. Спорт турлари бўйича журналлар уларнинг иш режалари.
6. “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тастлари талабларини разяд нормаларини бажарганлар ҳақидаги маълумотлар (қарор, буйруқ, рўйхатлар).
7. Спорт иншоати паспорти, уларнинг рўйхати
8. Соғломлаштириш-спорт оромгоҳининг паспорти, рўйхати.
9. Спорт жиҳозлари ва асбоб-ускуналарининг рўйхати.
10. Аъзолик бадалларини тулаганлик ҳақидаги ҳужжатлар (ведомостлар).
11. Бухгалтерия-хўжалик ишлари ҳужжатлари (молиявий ҳужжатлар).
12. Спорт мусобақалари, оммавий тадбирлар, саёҳатларни ўтказиш ҳиқидаги ҳисоб дафтари (книга учёта).

Ҳар бир ўқув юрти ўз шароитлари ва иш фаолиятлари асосида яна бошқа зарур бўлган расмий ҳужжатларни юритиши ва уларни сақлаб боришлари лозимдир. Юқори спорт ташкилотлар, давлат ва жамоат идораларидан келган турли хил ҳужжатлар ҳамда йўлланган жавоблар, айниқса маълумотномалар, ҳисоботлар тўла ҳолда сақланиши керак.

Хуллас, спорт клублари “Коллеж спорти” ҳаракатини шиклантирувчи ва уларни янада такомиллаштирувчи ташкилотдир. Шу сабабдан улар ўқув юртидаги оммавий соғломлаштирувчи жисмоний тарбия ва спорт ишларини давр талаблари асосида ташкил қилишлари зарур. Бунинг учун лецей ва коллежларининг касб-ҳунар йўлидаги асосий фаолиятлари спорт тадбирларини мослаштириш “Баркамол авлод” спорт мусобақаларини талаб даражасида ўтказиш, уларнинг юқори босқичларида дарстурдаги барча турлар бўйича иштирок этиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

1. “Коллеж спорти” ҳаракати тушунчасига тавсиф беринг?
2. Спорт клубида спорт ҳаракатларини юритишда энг муҳим омиллар нималардан иборат бўлади?
3. Йиллик умумий режа мазмунини тавсиф этинг.
4. Спорт тадбирлари календарь режаси қандай тузилади.
5. Жамоатчи фаоллар кимлар ва уларни тайёрлаш тартиби қандай амалга оширилади?
6. Спорт клубларида қандай ҳужжатлар юритилиши зарур?
7. Йиллик ҳисоботлар қандай тузилади ва уларнинг турлари ҳақида маълумотлар беринг?

**III БОБ. “БАРКАМОЛ АВЛОД” СПОРТ
МУСОБАҚАЛАРИНИНГ ДАСТУРЛАРИГА ХАЛҚ МИЛЛИЙ
ЎЙИНЛАРИ ВА ТУРИЗМНИ КИРИТИШ МАСАЛАЛАРИ**

3.1. “Баркамол авлод” спорт мусобақаларининг тарбиявий аҳамияти

Республика Президенти И.А.Каримовнинг “Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” асарида ўқувчи ёшларни Ватанга садоқат, юксак ахлоқ, маънавият ва маърифат, меҳнатга виждонан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш буюк келажагимиз учун муҳим манбалардан бири эканлиги таъкидланган.

Маълумки, бундай кенг қамровли таълим тарбия жараёнларида спорт тадбирларининг ҳам узига хос мазмун ҳамда маънолари бор. Шу туфайли юртимизда узлуксиз таълим бериш негизида ташкил этилган “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” каби оммавий спорт мусобақалари барча босқичларни камраб олган. Булар мактаблар ва коллежлар жамоалари уртасидаги спорт мусобақаларини ташкил этади. Шу асосда шаҳар, туман, вилоят ва республика доирасидаги оммавий мусобақалар ўтказилиб келинмоқда. Уларнинг таркибидаги “Баркамол авлод” спорт мусобақалари узига хос хусусиятга эгадир.

2001 йил 30 апрелдан то 5 майгача Жиззах шаҳрида “Баркамол авлод” спорт ўйинларининг илк бор финал мусобақалари ўтказилди.

Урта махсус касб-ҳунар таълими марказининг расмий маълумотиغا қараганда олий ва ўрта махсус касб-ҳунар коллежларининг сони 826 та бўлиб, уларнинг 267670 нафар ўқувчи ёшлари “Баркамол авлод” спорт мусобақаларининг биринчи босқичида (2000-2001 ўқув йили) иштирок этишган.

Бу тахминан ҳар бир ўқув юртига 324 кишидан тўғри келади.

Мусобақаларнинг иккинчи босқичида 93 минг ўқувчи ва талаба ёшлар қатнашган.

Мусобақанинг учинчи-яқунловчи босқичи Жиззах шаҳрида тантанали равишда ўтказилган.

Паркент туманининг баланд тепаликларида жойлашган “Физика куёш” илмий ишлаб чиқариш марказида мусобақанинг финал босқичини бошлаб бериш учун машғала ёкиш маросими бўлиб ўтди. Унда ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимига қарашли ўқув юртларидан таклиф этилган 112 нафар спортчи ўғил ва кизлар, уларнинг 14 нафар мураббийлари иштирок этишди. Машғала Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг шаҳарлари ва йирик магистрал йўллари орқали Жиззахнинг марказий стадионига эстафета тариқасида етказилди. Мусобақаларнинг бошланиш маросими худди олимпия ўйинларининг очилиш маросимидек тус олди. Булар энг аввало Ватан туйғуси, халқ саломатлиги, ёшларнинг жисмоний баркамоллиги ҳамда спортчилар маҳоратининг раамзий ифодасидир. Демак, “Баркамол авлод” спорт мусобақалари фақат жисмоний чиниқиш ёки маҳоратни оширишдагина эмас, балки маънавий маърифий маданиятни бойитишда ҳам ўз урнига эгадир.

Ана шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, ҳар бир академик лицей, касб-хунар коллежларида таълим-тарбия олаётган ўқувчи ва талаба ёшлар орасида ҳар томонлама кенг тарғибот ишларини олиб бориш лозимдир. Бунинг учун эса гуруҳлар (синф), курслар, спорт жамоалари (каманда), секцияларнинг машғулотлари жараёнларида айниқса мусобақаларни уюштириш ва ўтказишда “Баркамол авлод” спорт мусобақалари “Коллеж спорти” ҳаракатининг асоси эканлигини сингдириб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

“Баркамол авлод” спорт мусобақаларига тайёргарлик икки йил (ток сонли йилларда ўтказилади) давом этади. Бу орада ҳар доим янги

иштирокчилар билан мусобақаларга боришга тўғри келади. Шу сабабли спорт клуби ходимлари бундай жараёнларни яхши узлаштиришлари талаб этилади. Бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва бор имкониятлардан унумли фойдаланиш зарурдир.

3.2. Халқ миллий ўйинларидан фойдаланиш

“Баркамол авлод” спорт мусобақаларининг дастурларига 10 та спорт турлари киритилган. Улар асосан енгил атлетика, спорт ўйинлари, курашлар, шахмат-шашка кабилардан иборатдир. Бу ўз навбатида ўқувчи ёшларнинг жисмоний баркамоллигини таъминловчи замонавий спорт турларидир.

Республиканинг барча вилоятлари ҳамда ҳудудларида “Алпомиш ўйинлари”, “Тумарис ўйинлари” номи билан халқ миллий ўйинлари расмий равишда ташкил этилмоқда. Уларнинг Республика бўйича финал (1998, 2000 й. Термиз ва Фаргона, 1999, 2001 й. Жиззах ва Шахрисабз) мусобақалари ўтказилмоқда. Уларнинг дастурларидан кўпчилик замонавий спорт турлари урин олмоқда. Бу мусобақаларда миллий ҳаракатли ўйинлар (“Бурон”, “Селди минди”, “Шувок”, “Туккиз тош” ва х.к.) ўз макomini эгаллаб келмоқда. Аркон тортишиш, билак кучини синаш, тош (гир) кутариш кадимдан миллий анъанавий ўйинлар саналади. Улар жаҳондаги жуда кўп мамлакатларда ҳам миллий спорт ўйини таркасида тан олинган. Колаверса, улар китъалар ва жаҳон биринчиликлари бўйича расмий мусобақалар макomini олган.

Тан олиш керакки, от ўйинлари (купкари, улок, пойга, киз кувмок, отдан ағдариш, отда киличбозлик, найза улоктириш, камондан ук отиш ва х.к.). Шунингдек, дорбоз, “кулокчузма”, “пиёда пойга”, “хурозлар жанггилка уриштириш”, “пода туп” каби миллий ўйинлар беҳисобдир. Улар бир неча минг йиллик тарихга эга бўлиб ўз мазмуни, шакли ва моҳиятларига

кура ҳозирги даврда ҳам туйлар, анъанавий миллий байрамларда кенг кулланиб келинмоқда.

Эътироф этиш лозимки, юртимизда миллий қадриятларни қайта тиклаш, маънавий-маърифий маданиятни бойитиш борасидаги миллий ҳаракатли ўйинлар “Соғлом авлод” Давлат дастури, Умумтаълим давлат таълим стандартлари ва бошқа бир катор расмий қарорлар асосида “Жисмоний тарбия” дастурига кириб бормоқда. “Навруз”, Мустақиллик куни, ҳосил байрами, касб куни байрами ва х.к. нуфузли оммавий-маданий тадбирларда курашлар (Бухоро ва Фарғона усуллари), кўпқари-улоқ, пойга, дорбоз каби миллий ўйинлар, спорт турлари мақсадли ишлатилмоқда. Шунга қарамайдан халқ миллий ўйинлари шароитларга қараб оммалаштирилмаяпти.

Республика ҳукуматининг катор кўрсатмалари ва амалий тадбирлари асосида Республика улоқ-от спорти федерацияси тузилган (2001 й.). Унинг вилоятлар, туманларда тармоклари таркиб топмоқда. Пискент, Паркент (Тошкент вилояти), Пахтачи, Нарпай, Пастдаргом (Самарканд вилояти) ва бошқа вилоятларнинг баъзи хўжаликларида улоқ-от спорти клублари фаолият кўрсатмоқда. Лекин уларнинг асосий иш мазмуни замонавий от спорти (ракс, пойга, тусиклардан сакраш ва х.к.) талабларига қаратилган дир.

1997 йилда нашр этилган “Кўпқари” илмий оммабоп рисолада (Р.Кудратов, К.Ярашев, УзДЖТИ) нашриёт бўлимида чоп этилган кўпқарининг (улоқ) тарихий ривожланиши, унинг мазмун ва шакллари, ижтимоий-тарбиявий хусусиятлари очиқ берилган. Уни яқка қатнашувчилар ўйини эмас балки, жамоалар (командалар) ўйинига айлантириш, уларнинг майдон чегаралари ҳамда ҳолибларини аниқлаш шартлари ва шу каби масалалар билан боғлиқ бўлган ташкилий ишлар ифода этилган. Лекин бунга мутахассислар, кишлоқлардаги таржрибали чавандозлар ўз муносабатларини ҳамон билдирганларича йук.

Эътироф этиш лозимки, “Спорт” ва бошқа газеталар, хабарларида телевидение лавхаларида баъзи жойларда улок-купкари жамоа равишда (футболга ухшаш) мусобақа тарикасида ўтказилаётганлиги баён қилинмоқда. Булар балки юқоридаги рисолада тавсия этилган фикрлар ёки баъзи ижодкор-ташкилотчи чавандозлар ва раҳбарларнинг тажрибалари асосида ўтказилаётгандир.

Бу жараёнлар қандай юзага келмасин, унинг ташкилий шакли, мазмун ва моҳияти кишлоқ ёшларини от ўйинларига жалб қилиш ҳамда уларни ҳарбий-чегарачи бўлиб хизмат қилишларига замин тайёрлаши билан эътибор ва олқишларга сазовордир.

Бу ўйинга қизиқувчилар академик лицейлар ва айниқса касб-ҳунар коллежлари, туман марказлари, кичик шаҳарлар ва кургонларда кўпчиликини ташкил этади. Уларнинг ихтисосликларини (кишлоқ ва сув хужалиги, техника, савдо ва х.к.) ҳисобга олган ҳолда халқ миллий ўйинларидан кенг фойдаланиш давр талабидир.

Бугунги кунда вилоятларни маркази ва Тошкент шаҳридаги деярли барча академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларида халқ миллий ўйинларини (от ўйинлари бундан мустасно) кенг жорий этиш, уларни барча мусобақалар дастурига киритиш ҳам муҳимдир. Чунки булар “Маънавият ва маърифат” йўлидаги талаблар, қолаверса “Соғлом авлод” Давлат дастуридаги вазифаларни амалга ошириш йўлидаги гоят қимматли ҳамда эътиборли масалалар ҳисобланади.

Шу жиҳатларни назарда тутиш ҳолда халқ миллий ўйинлари ҳақида фикр юритамиз.

Бу борада халқ миллий ўйинларини мустақиллик йилларида ташкил қилишнинг ижодкорлари бўлган У.Корабоев, Т.Усмонхужаев каби фан докторлари, профессорлар ва К.Ярашев, Х.Мелиев каби ёш олимларнинг баъзи бир фикр-мулоҳазалари, илмий тадқиқот натижаларига таяндик.

Халқ миллий ўйинлари ўз мазмун-шакллари ва хусусиятларига қараб қуйидаги гуруҳлар ва турларга бўлинади:

1. Миллий спорт турлари:

- узбек кураши, Белбогли кураш;
- улок от спорти (пойга, тусиклардан сакраш): кўпқари-улок, хали спорт классификациясидан урин олган эмас;
- аркон тортишиш;
- билак кучини синаш;
- тош (гир) кутариш ва х.к.

2. Миллий ўйинлар:

- от ўйинлари (купқари-улок, пойга, чавгон, отдан агдариш, киз кувмок ва от устидаги “жанг” ўйинлари);
- дорбоз ўйини;
- пиёда пойга;
- елка уриштириш (хурозлар жанги) ва х.к.

3. Миллий ҳаракатли ўйинлар.

Ҳаракатли ўйинларнинг турлари жуда кўп. Улар мавсумлар, кишлок хужалиги (экин бошланиши, ҳосил ва йигин), туйлар, маросимлар, хайвонлар, жанглар ва х.к. билан боғланиб кетади. Улар орасида ўқувчи ва талаба ёшларни жисмоний баркомолликка етакловчи, ижтимоий-тарбиявий хусусиятларга эга бўлган ўйинлар ҳам жуда кўп. Уларнинг баъзилари “1001 ўйин” тупламида (Т.Усмонхужаев, Ф.Хужаев 1991й) баён этилган “Баркамол авлод”, “Алпомиш ўйинлари”, “Тумарис ўйинлари” Республика мусобақалари ва Фестивалларининг дастурларидан урин олган миллий ҳаракатли ўйинлар “Спорт” газетаси (1998-2000) ва турли илмий тупламларда эълон қилинган.

Хулоса урнида баъзи бир таклиф ва тавсияларни баён қилиш мақсадга мувофиқдир, яъни:

1. “Баркамол авлод” спорт мусобақаларининг биринчи босқичларида (жамоалар ва туман (шахар) биринчиликлари) “Чиллик” (чиллак), “Податуп”, “Кулок чузма”, “Пиёда кўпкари” каби миллий ўйинларини дастурга киритиш. Кишлок шароитларида “Отда” (эшакда) пойга, “Отдан (эшакдан) агдариш”, “Купкари-улок” ўйинлари элементларини киритиш. Бундай ўйинлар ўқувчи ва талаба ёшларни жисмоний чиниктириш, ижтимоий-иктисодий ҳамда ҳарбий хизматга тайёрлашда хизмат қилади.

2. Юқорида тилга олинган ҳаракатли ўйинлар учун оддий майдонлар, курилмалар, ноанъанавий асбоб-ускуналар, жиҳозлар булаверади, яъни уларни ёшларнинг узлари ҳам яшашлари, оддий резина (теннис) коптокларидан фойдаланишлари мумкин.

3. Табиийки, баъзи ўйинларнинг номлари, рамз ва моҳиятлари ёшларни қизиқтиради. Шу сабабдан кекса авлодлардан ўйинлар ҳақида батафсил маълумотлар олиш ва уларни туплам шаклида чоп этиш мумкин бўлади. М: “Чиллик” (чиллак)-“кирккли ўйини” маъносини билдиради. Қадимда бу ўйинларда киркта ва ундан ҳам кўпроқ киши иштирок этишган. У кишки мавсумдан (Чилла) чиқиш, баҳор кириши билан ўйинларнинг бошланишини ҳам билдириши мумкин.

“Пода туп” (подачи) ўйинининг мазмуни подаларни (йирик шохли моллар) боқиш, уларни уй-уйига (эгаларига) топшириш, чупонликни навбат билан бажариш, унда чаққонлик, хушёрлик каби ҳолатларни ўз ичига олади.

Бошқа ўйинларнинг ҳам узига хос рамзий маънолари, мазмунлари мавжуддир. Уларга фақат ижтимоий-тарбиявий тус бериш, мақсадли фойдаланиш лозим бўлади.

3.3. Туризм-саломатлик омили

Туризм, халқаро миқёсдаги сайрлар (экскурсия), саёҳатлар, турли хил томошалар маъносини билдирувчи ижтимоий-тарбиявий педагогик жараёндир. У мазмунлари, шакллари, амалий фаолиятлари билан турлитуман мураккаб ҳаракатлар ҳосиласи сифатида жисмоний тарбиянинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Туризмнинг сайр-саёҳатларини юртимиз шароитларида ташкил қилишнинг йўналишлари (маршрутлар) ва уларнинг усуллари “Саёҳат саҳифалари” (1971), “Туризм” (1978,1988) ва бошқа бир катор ўқув ва услубий қўлланмалар, тавсияномаларда (адабиётлар рўйхатидаги китоблар охирига қаранг) баён этилган.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида юртимизда туризмнинг ижтимоий-маданий, иқтисодий, сиёсий ва тарбиявий жиҳатлари юқори баҳоланмоқда. Шу туфайли “Туризм тўғрисида” (1999 йил август) қонун ва бир катор қарорлар қабул қилиниб (1999, 2002) уларда асосан туризм бўйича кадрлар тайёрлаш, хорижий мамлакатларга саёҳатлар уюштириш, халқаро туризмни янада кенгайтириш масалалари билан боғлиқ жуда кўп тадбирлар белгиланган.

Аҳоли уртасида маҳаллий сайр-саёҳатларни уюштириш, ўқувчи ёшлар, талабалар ва меҳнаткашлар орасида оммавий сайр-саёҳатларни ташкил қилиш билан биргаликда уларнинг саломатлигини яхшилаш, жисмоний жиҳатдан чиниктириш, улкани урганиш ва бошқа кўп жараёнларни амалга ошириш кузда тутилган.

“Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестларининг синов-меъёр талаблари таркибида (барча уч босқичида) сайр-саёҳатлар урин олган. Бу ўз навбатида аҳолининг 6 ёшдан 60 ёшгача бўлган барча катламлари ҳамда тоифаларида туризмни яхши йўлга қўйишни тақозо этмоқда. Иккинчидан эса барча ёшдаги кишиларнинг жисмонан бакувват булиши, улкани урганиши, экологик мувозанатларни сақлаш ва яхшилаш, ижтимоий

фойдали меҳнат қилиш, атроф-муҳитни чамалаш, харита (чизма) орқали жойларни топиш ва жуда кўп муҳим бўлган тарбиявий жараёнларни билиш, уларни амалда бажариш билан табиат куйнида дам олиш, хордик чиқаришни ҳам таъминлайди.

Маълумки, мамлакатимизнинг деярлик барча ҳудудлари кадимги Буюк ипак йўли билан бевосита боғлиқдир. Тошкент, Жиззах, Фаргона водийси, Зарафшон ва Амударё воҳасидаги тарихий шаҳарлар дунёга машхур бўлган маданияти, архитектура ёдгорликлари билан эътиборга лойиқдир. Мустақиллик йилларида қурилган турли-туман қошоналар, банк, савдо, тижорат марказлари, айниқса спорт иншоотлари сайр-саёҳатлар учун асосий манзилларга айланмоқда.

Тяньшан, Чоткол, Курама, Чимён тоглари (Фаргона водийси ва Тошкент вилояти), Туркменистон тизма тоглари (Зомин, Бахмал, Жиззах), Нурота тизма тоглари (Фориш, Ўаллаорол), Зарафшон ва Хисор тизма тоглари (Самарканд, Бухоро, Навоий, Кашкадарё), Боботог, Сарийосиё, Денов (Сурхон воҳаси) ва б.к.

Кўп жойлар табиатнинг энг гузал жойлари ҳисобланади. Бундай жойларда урмон хўжаликлари, қуриқхоналар ва турли хўжалиқлар жойлашган. Юртимиз усимлик ва хайвонот дунёсига бой тоғли ва табиати гузал улкалардан биридир. Бундай жойларда урмон хўжаликлари, қуриқхоналар ва бошқа турли хил бог-роғлар бунёд этилган. Шу сабабдан бундай жойларда ўқувчи ёшларнинг ёзги дам олиш оромгохлари, меҳнаткашларнинг дам олиш масканларининг соғломлаштириш-спорт масканлари (лагерлари) жойлашган. Уларда барча тарбиявий, спорт тадбирлари билан бир каторда тоғ ва пиёда юриш саёҳатлари ҳам мазмунли ташкил қилинади.

Педагогик кузатишлар, мутахассислар билан бевосита мулокатларнинг натижалари шуни кўрсатмоқдаки, 1970-1990 йилларда Фаргона, Самарканд, Жиззах Давлат педагогика институтлари (ҳозирги

университетлар), Охангарон (Ангрен), Самарканд, Косонсой, Термиз ва бошқа шаҳарлардаги педагогика билим юртлари туризм бўйича оммавий пиёда юриш ҳамда тоғларга чиқиш каби саёҳатларни ҳар йили 5-10 марталаб ташкил этишган. кўпкунлик саёҳатларда слёт (мусобақа)лар ўтказишган. Уларда айниқса, компас ва хариталар (чизмалар) асосида ва маҳаллий жойларга қараб белгиланган манзилларни (пунктлар) чамалаб топиш, аркон билан жар (дарё) ва тусиклардан утиш, чодирларни урнатиш, тез ҳамда мазали овқат тайёрлаш каби тадбирлар ўз ифодасини топган. Қатнашчилар бундай сайёҳатларга зур қизиқиш ва иштиёк билан иштирок этишганлар. Бундай тадбирлар Фаргона, Самарканд, Жиззах олий ўқув юртларида ҳозир ҳам ўз анъаналарини тулик унутишмаган.

Соғлом авлод давлат дастури, “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестлари талаблари ҳамда синов-меъёрлари барча ёшдаги кишиларнинг саломатлигини яхшилаш, ўқувчи ёшларнинг жисмоний баркамоллигини оширишга қаратилган лиги туфайли, улардаги барча турлар ва тадбирлар каторида “сайр-саёҳат” ҳам мажмуий (комплекс) спорт мусобақалари дастурларига киритишни тақозо этмоқда. Шу аснода “Баркамол авлод” спорт мусобақаларининг дастурларига туризм турларини (туристик техника) киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади:

1. Туристик техника бўйича рюкзакка чодир, овқат пишириш анжомлари, шахсий буюмлар ва х.кларни тез (вақтда) ҳамда яхшилаб жойлаштириш, маълум масофага (200)м рюкзак билан тез югуриш, 25-30м масофада “Тез ёрдам кўрсатишни (жароҳатланганни кулларда олиб юриш), тусиклардан утиш (нарвон, чуқурлик ва х.к.), белгиланган жойда чодирни маълум вақтда урнатиш, чой қайнатиш каби машқларни бажариш кузда тутилади. Бу жараёнларни бажариш ва ғолибларни аниклаш шартларини ишлаб чиқиш зарур.

2. Харитани “уқиш”, топографик белгиларнинг номларини айтиб бериш, компас билан томонларни (вақтга) аниклаш ва шу каби бошқа саволларга жавоб бериш бўйича тестлар асосида мусобақалар ўтказиш.

Ана шу жиҳатлар мусобақалар дастурига киритилган тақдирда ҳар бир жамоа (каманда) “спортча чамалаш” (спортивное ориентирование) ва туризмнинг бошқа турларини мукаммал урганиб бориши, дам олиш кунлари ва дарсдан кейинги буш вақтларида (аниқ белгиланган кун) махсус тайёргарлик куриши лозим бўлади.

Касб-ҳунар коллежларида туризмни ургатиш йўлга қўйилса, юқорида келтирилган турлар ва шартлар асосида ўз мусобақаларини ташкил қилиб борилса, уни “Баркамол авлод” спорт мусобақаларининг барча босқичларида дастурларига киритишга замин яратилган булар эди.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида туризм бўйича фаолиятларни юритиш учун қуйидаги тадбирларга амал қилишни тавсия этиш мумкин:

1. Туризм ҳақида кургазмали тарғибот ишларини ташкил этиш. бунда Узбектуризм миллий компанияси, касаба уюшмалари федерациялари қошидаги соғломлаштириш-жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари ва б.к. ташкилотларнинг ишлаб чиққан услубий қўлланмалари, реклама ва видеотасвирларидан фойдаланиш;

2. Коллежларда туризм секциясини ташкил қилиш ва унга қизиққан ёшларни жалб этиб, дам олиш кунлари бир кунлик ва тунаб қолиш (2-3 кун) сайёҳатларини уюштириш. Улардан туристик техника машқларини бажаришни талаб этиш учун назарий билим ва амалий қўникмалар билан куроллантириш;

3. Туристик жиҳозлар ва ўқув куролларини (китоблар, хариталар, компас ва х.к) жамғариш;

4. Туризмга ихлос қуйган ва жисмонан бақувват ёшларни спорт жамиятлари, туризм клублари ва тажрибали жамоаларда ташкил этилган

семинар-курсларга йўллаш ёки ўз жамоаларида мутахассисларни жалб этиш йўли билан бундай машғулотларни ташкил этиб, кичик инструкторлар, (назоратчи) тайёрлаш лозим. Бундай инструкторлардан дам олиш кунги саёҳатлар ва туризм секцияси иш фаолиятларида мақсадли фойдаланиш мумкин.

Ана шундай қилинганда коллеж ва бошқа ўқув юртларида тажрибага эга бўлган жамоа (команда) вужудга келади ва барча коллежлар учун ракобатлик қилиши мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, туризм ўз мазмун ва шакллари ҳамда тарбиявий жиҳатлари билан бошқа спорт турлари каби муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабдан ҳам улар аввало лицейлар, касб-хунар коллежларининг “жисмоний тарбия” дастурига киритилиши, дарс сифатида уқитилиши давр талабидир. Колаверса, “Соғлом авлод” Давлат дастури, “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестлари талаблари асосида ўқувчи ва талаба ёшларнинг жисмоний баркамоллигини оширишда туризм асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Туризмнинг ижтимоий-тарбиявий ҳамда иқтисодий хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ўқувчи ва талаба ёшларни сайрлар (экскурсия) ва турли сайёҳатларга оммавий жалб қилиш йўли билан иқтидорли туристлар тайёрлашни амалга ошириш мумкин бўлади. Бу эса туризм бўйича мутахассис кадрлар тайёрлашга йўл очиб, уларнинг махсус (туризм факультетлари, жисмоний маданият факультетлари ва х.к. ўқув юртларида таълим олишлари ва етук мутахассислар бўлиб етишишларига замин яратади.

Хулоса қилиб айтганда, “Баркамол авлод” спорт мусобақаларининг мазмунлари ва шакллари давр талаблари асосида такомиллаштириш зарур. Бунда “Соғлом авлод” Давлат дастури, “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестларидан мақсадли фойдаланиш, унинг дастурлари таркибига халқ миллий ўйинлари ҳамда саёҳатларни киритиш лозим бўлади.

Таълим жараёнини “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва Давлат таълим стандартлари асосида узлуксиз равишда амалга оширишда, жисмоний тарбия ва спортнинг оммавий соғломлаштириш вазифаларини янада такомиллаштириш, босқичли спорт мусобақаларини (“Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада”) турли хил спорт турлари ҳамда халқ миллий ўйинлари, саёҳатлар билан бойитиб бориш керак.

Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида жисмоний тарбия, спорт, халқ миллий ўйинлари, саёҳатларини оммалаштириш йўли билан ўқувчи ва талаба ёшларни жисмонан баркамол қилиб тарбиялашни амалга ошириш энг муҳим муаммолардан биридир. Бундай улугвор ва кенг куламли тарбиявий жараёнларни амалга оширишда “Баркамол авлод” спорт клубининг хизмати каттадир.

Республика ҳукуматининг қарорларини ҳаётга сингдириш, айниқса “Ёшлар спорти” ҳаракатини янада ривожлантириш тўғрисидаги концепция таркибидаги кўрсатмаларни амалга ошириш учун ҳар бир академик лицейларда ва коллежларда “Баркамол авлод” спорт клуби булишини давр тақозо этмоқда.

Уз навбатида спорт клублари ўқув юртларидаги “Маънавият ва маърифат”, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, ҳарбийларга кумаклашувчи “Ватанпарвар” каби ташкилотларнинг узаро ҳамкорлигига таянишлари лозим бўлади.

“Баркамол авлод” спорт мусобақалари “Баркамол авлод” спорт клубларининг ҳақиқий меҳнат самаралари бўлиб қолсин, деган шиор оммалашини зарур.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.

1. Узлуксиз таълим жараёнлари билан уч босқичли спорт мусобақаларининг алоқадорлиги нимада?

2. Уч босқичли спорт мусобақаларининг ўрта кисми сифатида “Баркамол авлод” мусобақалари ҳақида нималарни биласиз, уларнинг қандай аҳамияти бор?

3. Халқ миллий ўйинларини турларга ажратиб, уларнинг спортга хос хусусиятларига тавсиф беринг.

4. Кайси халқ миллий ўйинларини “Баркамол авлод” спорт мусобақалари дастурига киритиш мумкин?

5. Саёҳатлар ҳақида нималарни биласиз?

6. Туристик техника ҳақида тушунчалар беринг?

7. “Баркамол авлод” спорт мусобақалари дастурига туризмнинг кайси турларини киритиш лозим?

8. “Баркамол авлод” спорт клубининг бу соҳадаги асосий вазифалари нималардан иборат булиши керак?

ХУЛОСА

Мустақиллик Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда жаҳонда ўз мавқеига эга эканлигини намоиш қилмоқда. Турли соҳаларда бўлгани каби таълим жараёнидаги туб ислохотлар “Кадрлар тайёрлаш миллий дарсури”ни амалда бажаришга даъват этмоқда.

Таълим-тарбия жараёнлари жисмоний тарбия ва спорт билан чамбарчас боғлиқлигини ҳеч ким инкор эта олмайди. Шу туфайли таълимнинг олий босқичларида, “жисмоний тарбия” ўқув дастурлари ва дарс машғулотлари узига хос уринни эгаллаган. Яна муҳим томони шундаки, бу таълимнинг узлуксизлигини таъминлайди. “Умид нихоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” ҳам уч босқичли спорт мусобақалари сифатида уларнинг асосий фаолиятларини ташкил этмоқда.

Академик лецейлар ва касб-ҳунар коллежларининг “Баркамол авлод” спорт мусобақалари барча ўқувчи ва талаба ёшларнинг жисмоний баркамоллигини тарбиялашнинг асосий воситаларига айланмоқда.

“Ёшлар спорти” ҳаракатини ҳар томонлама ривожлантиришда “Баркамол авлод” спорт клубларини ташкил этиш ва фаолият юритишида уларга ўз-ўзига хизмат қилиш тамойиллари асосида маком бериш давр талаби ва эҳтиёжига айланмоқда. Ҳозирги кунда бу фаолиятлар Республика “Талаба” спорт уюшмаси ва унинг вилоятлардаги тармоклари, олий ўқув юртларидаги “Талаба” спорт клубларининг кумагида амалга оширилмоқда. Бу жараёнларни янада мукаммаллаштириш мақсадида Республика “Талаба” спорт уюшмаси ва унинг вилоятлардаги тармокларида “Баркамол авлод” спорт маркази ёки кенгашини таъсис этиш мақсадга мувофиқ куринади. Кейинги йилларда эса уни ҳам мустақил “Баркамол авлод” спорт уюшмасига (жамият) айлантириш имкониятлари тугилиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Расмий манбалар

1. УзРнинг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонуни, 2000 й.
2. УзР нинг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, 1997.
3. УзР нинг “Туризм тўғрисида”ги қонуни, 1999.
4. Уз.Р.В.М. “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 1999й 27 май.
5. “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестлари ҳақида Низом, 1992.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон-келажаги буюк давлат, 1992.
7. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан колсин, 1994.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бусагасида. 1997.
9. “Баркамол авлод орзуси”, Президент И.А.Каримовнинг хикматли сузларидан тузилган туплам, 2001.
10. Инсон бахт учун тугилади. Президент И.А.Каримовнинг хикматли сузларидан тузилган туплам, 2001.
11. “Соғлом авлод” Давлат дастури, 1997.
12. Умумтаълим давлат таълим стандартлари, 1999.
13. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, 1997.
14. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун ўқув адабиётлари, “Жисмоний тарбия” (Т.С.Усмонхужаев, К.М.Махкамжонов ва б.к.)

2. Асосий қўлланмалар

1. Абдумаликов Р. Жисмоний маданият ва спорт соҳасидаги талабаларни бошқарувчилик фаолиятларига тайёрлашнинг назарий ва амалий асослари. Моног. 1994.

2. Ярашев К.Р. Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш. Дарслик. 2002.
3. Абдумаликов Р., Холдоров Т., Туризм. ўқув қўлланма.
4. “Баркамол авлод тарбиясида жисмоний тарбия ва спортнинг урни”. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Жиззах. 2001, 30 апрель.
5. 1991-2002 йилда ЖТ ва спорт халқ миллий ўйинлари, “Алпомиш ўйинлари” ва “Тумарис ўйинлари” Республика ФИ таваллудига бағишлаб ўтказилган илмий анжуманларнинг тупламлари.

3. Кушимча адабиётлар

1. Республика “Талаба” спорт уюшмасининг Устави, 2001.
2. Олий ўқув юр்தларининг “Талаба” спорт клублари устави, 2002.
3. Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юр்தларининг таълим маркази йўл-йуриклари, тавсияномалари.
4. “Спорт”, “Туркистон” ва бошқа газеталарнинг 1991-2002 йиллардаги материаллари.
5. “Баркамол авлод” спорт мусобақаларининг низомлари.
6. “Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида жисмоний тарбияни такомиллаштириш муаммолари” мавзусидаги Рес.Илмий-амалий анжумани материаллари, Андижон, 2003.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I-БОБ. Касб-ҳунар коллежларининг ўқувчи ёшларини оммавий спорт тадбирларига жалб этиш	6
1.1. Баркамол авлодни тарбиялашда жисмоний тарбия ва спортнинг роли	6
1.2. Ўқувчи ёшларни жисмоний баркамоллика етказиш йўллари	9
II-БОБ. “Баркамол авлод” спорт клубларини ташкил қилиш	16
2.1. “Баркамол авлод” спорт клубининг ташкилий тузилиши	16
2.2. Ўқувчи ёшларнинг “Коллеж спорти”ни ташкил қилиш йўллари	17
2.3. Ўқувчи ва талаба ёшларнинг “коллеж спорти” ҳаракатини ташкил қилиш йўллари.	26
III-БОБ. “Баркамол авлод” спорт мусобақаларида халқ миллий ўйинлари ва туризмдан фойдаланиш масалалари.	45
3.1. “Баркамол авлод” спорт мусобақаларининг тарбиявий аҳамияти.	45
3.2. халқ миллий ўйинларидан фойдаланиш	47
3.3. Туризм-саломатлик омили.	54
Хулоса	62
Адабиётлар	64

